

Бошланғич таълим инсон камолатининг пойдевори

М.Абдуллаева 17.04.1961 йилда туғилган, п.ф.н. доцент. Андижон вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш институтининг ректори.
М.АРТИҚОВА 16.07.1973 йилда туғилган, п.ф.н Андижон давлат университети доценти.

Мамлакатимизда таълимни устивор соҳага айлантирилиши ўсиб келаётган ёш авлоднинг пишиқ-пухта билимга, юқори маънавий ва ахлоқий хусусиятга эга бўлишини таъминлайди.

Юртбошимиз мухтарам И.А.Каримов Олий мажлиси 1-чақириқ 9-сессиясида сўзлаган нутқларида бошланғич таълим борасидаги эътиборсизликларга алоҳида тўхталиб, шундай дейдилар: “Эски таълим тизимининг энг ёмон қусури бошланғич таълимга иккинчи даражали деб қараганимиз ва бошланғич синфда билими паст ўқитувчиларга ҳам дарс берганлигимиздадир.

Ваҳоланки, боланинг дунёқараши, диди, салоҳияти шаклланадиган бошланғич синфларга энг етук, энг тажрибали мураббийлар бириктириб кўйилишини оддий мантиқнинг ўзи талаб этади.

Замонавий бошланғич таълимнинг ўзи нимадан иборат бўлиши керак? Бола 1-4-синфларда қандай билимга эга бўлиши лозим? Уларнинг тарбияси қандай бўлиши керак? Шу масаларга жавоб беришимиз керак”¹.

Призидентимизнинг ушбу хитобига жавобан шуни айтишимиз керакки, таълим тизимидаги жиддий изланишлар, кўп йиллик тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, бошланғич таълим – таълимнинг пойдевори, уни ривожлантирмай туриб таълимда юқори натижаларга эришиб бўлмайди. Бошланғич таълимни етарли олмаган, саводхонлиги талаб даражасига етмаган бола юқори синфда ҳам “оқсаш”ни давом эттиради. Шундай ҳолларнинг бўлмаслиги учун болага боғча ёшидан ва кичик мактаб ёшидаги таълим – тарбиясига алоҳида эътибор бериш керак.

Агар муаллим бошланғич синфда ўқувчиларнинг феъл – атворини, қобилиятларини индивидуал кузатиб бориш услубини яхши билмаса, ёки етарли эътибор бермаса, унинг мустақил фикр юрита олиши, ички қобилиятларини рўёбга чиқаришини ўргатмаса, етаклай билмаса, боланинг саводхонлиги талаб даражасига кўтарилмайди.

Бошланғич таълимда болаларга ватанпарварлик хиссини шакллантириб бориш ҳам ўз самарасини кўрсатади.

Миллий тарбия тизимида, миллат маънавиятини тиклаш ва ривожлантиришда ўқувчиларда бошланғич синфданок миллий ғурур ва ифтихорни ўстириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, шунингдек,

миллий ўзликни англаш туйғусини шакллантириш, бу борада эса таълим муассасаларда маънавий муҳитни барқарорлаштиришга хизмат қилувчи самарали усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Самарали ташкил этилган таълим асосида сингдирилган ватанпарварлик тушунчаси ўқувчиларнинг хулқ - атворида, оиласида, кейинчалик маҳаллада, меҳнат жамоаларида, ўқув муассаларида ривожланиб, шахснинг онги ва қалбига мустаҳкам сингиб боради.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, бошланғич синф ўқувчиларида ватанпарварлик туйғусини шакллантиришга йўналтирилган одобнома фанидан бир соатлик дарс ишланмасини ҳавола этамиз.

Ватанпарлик туйғусини шакллантириш

Мавзу «Ватан туйғуси».

Мақсадлар:

таълимий: мавзу борасида мукаммал тушунча бериш, ёш авлод қалбида киндик қони тўкилган тупроққа, она юртига муҳаббат уйғотиш, ўз ҳаётини Ватан, халқ, миллат тараққиёти ва гуллаб-яшнашига бағишлаган ватандошларимиз ҳақида кенг қамровли билим бериш;

тарбиявий: ўқувчиларга энг аввал оилада, сўнгра мактабда шаклланиб борувчи Ватан туйғуси ва ватанпарварлик туйғусининг тарбиявий аҳамиятини тушунтириш ҳамда гуруҳларда ишлаш орқали уларда бир-бирига нисбатан ўзаро ҳурмат ва ҳамжихатлик ҳиссини шакллантириш;

ривожлантирувчи: мустақил фикрлашга, ўз фикрини қисқа ва далиллар асосида эркин баён этишга ўргатиш.

Бажариладиган вазифалар:

1. Ўқувчилар онгига Ватан туйғуси, миллий ифтихор ва миллий ғурур тушунчаларини мукаммал сингдириш.
2. «Ватан туйғуси ва миллий ғурур билан яшаган боболар» мавзусидаги матн билан атрофлича таништириш.
3. Ўқувчилар томонидан матн мазмуни ва моҳиятининг чуқур ўзлаштирилишига эришиш.
4. «Ватан» шеърини ифодали ўқиш. Шу мавзудаги мақоллар билан танишиш.

Жиҳозлар: буюк сиймолар акс этган расмлар, тарқатма материаллар, буклетлар, кўшимча адабиётлар, гуруҳларда ишлашда риоя қилинувчи коидалар акс этган рангли слайдлар.

Дарс жараёнида қўлланилувчи методлар: суҳбат, савол-жавоб, «Кластер», «Венн диаграммаси», «Қизил ва яшил карточкалар билан ишлаш» методлари.

Дарснинг бориши

Ўқитувчи томонидан гуруҳларда риоя этилиши лозим бўлган «Олтин коида»лар ёзилган плакат доскага илиб қўйилади:

1. *Мавзудан узоқ кетма.*
2. *Аввал ўйла, кейин сўйла.*

3. *Оз ва соз сўзла.*


4. *Ўзгалар фикрини ҳурмат қил, тингла!*

I. Оммавий тарзда ишлашда қулай ҳисобланган «Кластер» методи ёрдамида ўқувчиларнинг Ватан ҳақидаги тушунчалари умумлаштирилади.

Бу метод ўқувчиларни мавзуни аниқ ва эркин баён қилишига, кетма-кетликда фикрлашига ёрдам беради. Шунингдек, фикрларини жадал, қисқа ва лўнда ифода этишда катта аҳамият касб этади.

II. «Ватан туйғуси ва миллий ғурур билан яшаган боболар» матни ўқиб, тушунтирилади:

Ватан ҳақида гап кетганда «Ватан - бу сенинг киндик қонинг тўкилган тупроқ», «Сенинг ота-онанг, авлод-аждодинг туғилиб, ўсган жой», дейилади. Шу сабабдан биз она юрт тупроғини, унинг гўзал боғларини, баланд тоғларини, жўшқин оқаётган дарёларини, пахтазор ва буғдойзорларини, қиру адирларини, қушларини, қўйингки, жамики бойликларини юракдан севамиз, Натижада мана шу туйғу орқали қалбимизда Ватан туйғуси шаклланади.




Юртимиз жуда кўп ватанпарварлар, саркарда ва қаҳрамонларни тарбиялаган. Амир Темур, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Паҳлавон Маҳмуд каби ватанпарварлар жасорати бизга ўрнақдир.

Сиз Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Райҳон Беруний, Бурҳониддин Марғилоний, Аҳмад Фарғоний, Хоразмий каби буюк боболаримиз ҳақида кўп эшитгансиз. Улар ўзларига туғилиб ўсган жой номларини таҳаллус қилиб олганлар. Бу улуғ алломаларимизнинг ўз ватанини нечоғлик севганлиги, у билан фахрланганлигидан далолатдир.

Бизга маълумки, халқимизнинг Беҳбудий, Мунавварқори, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Элбек, Усмон Носир каби буюк фарзандлари Ватанимиз озодлиги, эрки йўлида курашиб, қурбон бўлганлар. Уларнинг пок номлари мустақиллик туфайли оқланди. Ўзбек халқи бу ватандошларини ҳеч қачон унутмайди.

Ш. «Венн диаграммаси» методи асосида ўқувчиларнинг матн юзасидан олган билимларини мустаҳкамлаш («Венн диаграммаси» 2 та ёки 3 та ҳалқанинг ўзаро кесишувидан ҳосил бўлади. Биз 2 ҳалқа кесишуви мисолида бериб ўтамыз).

Дастлаб синф ёзув тахтаси тенг 4 га бўлиниб, қуйидаги чизма чизилади:



Шунга мувофиқ тарзда синф ўқувчилари ҳам 4 гуруҳга ажратиб олиниб, ҳар бир гуруҳ номланади. Гуруҳларга тарқатма материаллар асосида қуйидагича топшириқлар берилади:

1- гуруҳ:

- 1) Сиз Ватан равнақига қандай ҳисса қўша олишингиз мумкин?
- 2) Ватанпарварлик хислатига эга инсонларда қандай сифатлар таркиб топади?

2- гуруҳ:

- 1) Миллат равнақига ҳисса қўшган қайси замондошларимизни биласиз?
- 2) Сизнингча, Ватан туйғуси нима?

3- гуруҳ:

- 1) Ватан деганда кўз олдингизга нималар келади?
- 2) «Эл қудрати чин қудрат, Ватан тупроғи қиммат» мақолини изоҳлаб беринг.

4- гуруҳ:

1) Матндан хулоса чиқарган ҳолда «ватанпарварлик» ва «ватангадо» тушунчаларини изоҳланг.

2) Ўзингиз яшаётган маҳаллани таърифлаб беринг.

Гуруҳлар томонидан топшириқлар бажариб бўлингач, ҳар бир гуруҳдан лидерлар танланади. Лидерлар ўқувчилар томонидан билдирилган фикрларни умумлаштириб, ёзув тахтасида акс эттирилган диаграммани тўлдирадилар (*диаграмма бўяб қўйилиши ҳам мумкин*). Қайси гуруҳ биринчи бўлиб топшириқни бажариб, ёзув тахтасида берилган ўз диаграммаларини тўлдирсалар, ўша гуруҳ муносиб рағбатлантирилади.

IV. «Қизил ва яшил карточкалар билан ишлаш» методи асосида ўқувчилар билимини баҳолаш.

Изоҳ. Ушбу методда яшил карточка «тасдиқ» (*ҳа*), қизил карточка эса «инкор» (*йўқ*) маъносини билдиради. Саволлар мавзу мазмунидан келиб чиқиб, «ҳа» ва «йўқ» жавобларига асосланган ҳолда тузилади. Ўқитувчи саволларни ўқиганда, баҳоланаётган ўқувчилар савол мазмунига қараб керакли карточкани кўрсатадилар.

Саволлар:

1. «Ватан» тушунчаси «Она» сўзига тенглаштириладими? (*ҳа*).
2. Заҳириддин Мухаммад Бобурнинг туғилган жойи Андижонми? (*ҳа*).
3. Юртимизда кўплаб ватанпарварлар туғилиб ўсганми? (*ҳа*).
4. «Ўзга юртда шоҳ бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл» бу топишмоқми? (*Йўқ*).
5. Ватанимиз пойтахти Тошкентми? (*ҳа*).
6. Яхши ўқимаслик, ҳар бир нарсани асраб-авайламаслик Ватан равнақига ҳисса кўшишликми? (*Йўқ*).
7. Ватанимизда кўплаб қадимий, тарихий ёдгорликлар борми? (*ҳа*).
8. Ўзбекистон мустақил давлатми? (*ҳа*).

Уйга вазифа. Абдулла Авлонийнинг «Ватан» шеърини ёд олиш, ватанпарварлик, оила, юрт ҳақидаги мақоллардан топиб, дафтарга қайд этиш.

1. И.А.Каримов., «Баркамол авлод орзуси», Тошкент: 1997 йил.